Хиндистон Англиянинг мустамлакаси бўлган кезларда бир куни инглиз аскарлари велосипед хайдаб кетаётган инглиз кизига хурматсизлик килишгани учун ерли ахолидан етти юз кишини ўша ернинг ўзида отиб ташлашди. Кейин вилоят губернатори бутун шахар ахолисини бир неча кун факат эмаклаб юришга мажбур этди. Ундан нега бундай буйрук берганини сўрашганида: “Улар Худоларига ишонишади, аммо битта инглиз аёли уларнинг барча илохларидан олийдир”, деб жавоб берди.

* * *

Туркистонни босиб олишда жонбозлик кўрсатган рус генерали, Фаргона генерал губернатори М. Скобелев бундай деган экан: “Тўкилган хар томчи рус кони учун душманнинг (ўрта осиёликларнинг) конини дарё килиб окизаман” (Мажид Хасаний. “Юрт бўйнидаги килич”, Тошкент, 1977).

* * *

Биринчи жахон уруши пайтида Мўсулда (Ирок) халк очликдан огир ахволда колиб, хар куни канчалаб инсонлар кўчаларда кийнала-кийнала жон берган ва бунинг олдини олишга хеч кандай чора топилмаган.
Энг дахшатлиси, очликдан ўлган бечора ёш болаларнинг этларини гўшт дўконларида кўй ва кўзи эти деб сотган ёки ошхоналарда пишириб, халкка едиришдек вахшийликка йўл кўйган ўн-ўн икки киши катл этилган.